

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЙА ИНСТИТУТИ

ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШ: 5520200 - «ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА
(СУВ ХЎЖАЛИГИДА)»

КАФЕДРА «ГИДРОМЕЛИОРОТИВ ТИЗИМЛАРНИ ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕКТР
ЖИХОЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ»

Ҳимояга рухсат этилди:
кафедра мудири Н.Т. Тошпулотов

«_____» _____ 2014 й.

БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Узун тумани „Остона -1” насос станцияси электр ускунлари
ва унинг машиналар зали ёритиш тизимида энергия тежаш
тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бажарди:

Абдурахимов А.А

Битирув иши раҳбари:

проф. Раджабов А.Р

ТОШКЕНТ – 2014

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири: т.ф.н., доцент

Н.Т. Тошпулотов

«___» _____ 201__й.

Ўбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Тошкент ирригация ва мелиорация институти битирув

малакавий иши бўйича топшириқ

Талаба: Абдурахимов Азамат Абдужабборович

Битирув иши мавзуси Узун тумани „Остона -1” насос станцияси электр ускунлари ва унинг машиналар зали ёритиш тизимида энергия тежаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишини бажариш учун дастлабки маълумотлар ва асосий манбалар. “Остона-1” насос станцияси ҳақида маълумотлар, электр тизимини лойиҳалаш бўйича норматив ва меърий материаллар. Насос станцияси электр жихозлари бўйича ўқув ва махсус адабиётлар, Қуёш энергиясидан электр энергияси олиш, қуёш фотоэлектр ўзгартиргичлардан фойдаланиб электр ёритиш тизимини ҳисоби бўйича махсус адабиётлар. **Ҳал этилиши лозим бўлган саволлар.** 1. Кириш. “Остона-1” насос станцияси характеристикалари, асосий кўрсаткичлари, технологик жараёнлар ва машиналар. 2. Насос станциянинг асосий ва ёрдамчи хоналарида электр ёритиш тизимини ҳисоблаш. 4. Насос станциянинг куч электр жихозлари ва уларни ички электр тармоғи ҳисоби. 5. Электр юкламаларни ҳисоблаш ва трансформатор танлаш. 6. Энергия тежаш чора тадбирлар ишлаб чиқиш. 7. Ҳаёт фаолияти ва техник хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш. 8. Техник ечимларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Ишнинг график қисми чизмаларининг мазмуни. 1. Насос агрегатини жойлашиш схемаси ва асосий характеристикаси. 2. Насос станциянинг электр ёритиш тизими ички электр тармоғи плани. 3. Насос станциянинг технологик машиналари жойлашиши план ва куч электр тармоғи. 4. Фотоэлектрик ўзгартиргичлар ва улардан фойдаланиб насос станцияда ёритиш тизими учун фотоэлектрик станция бўйича материаллар. 5. Насос станцияси машиналар зали электр ускуналарни ерлаш плани.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи (лар)

Бўлими мавзуси	Маслаҳатчилар	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ. бажарилди.
Ҳаёт фаол хавфси-ги	Раджабов А.Р		
Техник-иқтис. бўлим	Раджабов А.Р		

7. Битирув ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув малакавий ишининг бўлимлари	Қисмларни бажариш муддати	Изоҳ
1	Кириш. “Остона-1” насос станцияси характеристикалари, асосий кўрсаткичлари, технологик жараёнлар ва машиналар.	22.01.2014-31.01.2014й	
2	Насос станциянинг машиналар зали ва ёрдамчи хоналарида электр ёритиш тизимини ҳисоблаш.	04.02.2014-15.02.2013й	
3	Насос станциянинг куч электр жихозлари ва уларни ички электр тармоғи ҳисоби.	18.03.2014-22.03.2014й	
4	Насос станция бўйича электр юкламалари ҳисоби ва трансформатор танлаш.	30.03.2014-06.04.2014й	
5	Насос станцияда машиналар зали ёритиш тизимида энергия таминотинида қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича энергия тежаш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш.	08.04.2014-27.04.2014й	
6	Насос станцияда ҳаёт фаолияти ва техник хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш.	06.05.2014-13.05.2014й	
7	Насосстанция бўйича битирув малакавий ишидаги техник ечимларининг иқти содий самарадорлигини баҳолаш.	18.05.2014-25.05.2014й	
8	БМИ тушинтириш хати ва тақдимот материалларини тайёрлаш	26.052014 08.06.2014	

Битирув иши раҳбари _____

проф. Раджабов А.Р

Бажариш учун қабул қилдим _____

Абдурахимов А.А

Топшириқ берилган сана “_____”

_____ 201__ й

№	Мундарижа	
	КИРИШ	6
1	“Остона -1” насос станцияси характеристикаси, асосий кўрсаткичлари, технологик жараёнлар ва машиналари	9
2	Насос станциянинг машиналар зали ва ёрдамчи хоналарида электр ёритиш тизимини ҳисоблаш	14
2.1	Умумий маълумотлар	14
2.2	Машина зали учун электр ёритиш тизимини ҳисоблаш	18
2.3	Насос станциянинг машиналар зали ички электр ёритиш тармоқларини ҳисоблаш	23
2.4	Электр энергияси билан таъминловчи манбани танлаш	24
2.5	Ёруғлик тармоғининг электр энергияси билан таъминланиш схемасини танлаш	24
2.6	Ёритиш тармоқларини ҳимоя воситаларини танлаш	30
2.7	Куч тармоқларини ҳисоблаймиз ва ишга тушириш ва ҳимоя воситаларини танлаймиз	33
3	Насос станциянинг куч электр жихозлари ва уларни ички электр тармоғи ҳисоби	34
3.1	Куч электр ускуналари электр тармоғи ҳисоблаш	34
4	Насос станция бўйича электр юкламалари ҳисоби ва трансформатор танлаш	43
5	Насос станцияда машиналар зали ёритиш тизимида энергия таминотинида қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича энергия тежаш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш	48
5.1	Умумий чора тадбирлар	48
5.2	Насос станцияни ёритиш тизимини қуёш энергиясидан фойдаланиб энергия тежаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш	50
6	Насос станцияда ҳаёт фаолияти ва техник хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш	58
6.1	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	58
6.2	Электр хавфсизлиги	65
7	Насос станция бўйича қабул қилинган техник ечимларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	69
	Хулосалар	71
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	72
	Интернет маълумотлар	74
	Иловалар	80

Аннотация

Битирув малакавий ишида “Остона-1” насос станциясининг характеристикаси, асосий кўрсаткичлари, технологик жараёнлар ва электр жихозлари келтирилган. Насос станциянинг асосий ва ёрдамчи хоналарида электр ёритиш тизими ва ички электр тармоғи, насос станциянинг куч электр жихозлари ва уларни ички электр тармоғи ҳисобилари ёритилган. Насос станция бўйича электр юкламалар ҳисоби ва трансформатор танлаш бўйича маълумотлар келтирилган насос станцияда энергия тежаш техник чора - тадбирлари ишлаб чиқилган ва унда машина зали ёритиш тизими энергия таминоти қуёш энергияси ҳисобига амалга оширилган. БМИ да насос станциясини эксплуатациялашда ҳаёт фаолияти ва техник хавфсизлик чоралари ҳамда, ишлаб чиқилган техник ечимларининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

КИРИШ

Жахон молиявий инқирозини Ўзбекистонда енгил кечишига қаратилган Президентимиз тамонидан ишлаб чиқилган чора тадбирларида мамлакатимизнинг энергетик ва озиқ овқат ховфсизлиги, аграр соҳани ривожланиши билан боғлиқ сув хўжалиги ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. /1/

Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб Президентимиз ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ундаги муаммоларни ҳал қилишга катта аҳамият бериб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ва унинг муҳим соҳаси бўлган сув хўжалигининг мамлакатдаги иқтисодий аҳволга таъсирини эътиборга олиб Президентимизнинг, Олий мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари билан қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги тизимларида турли ислохатлар ўтказилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиз экин майдонларинг 80% ортиқроғи машинали сув кўтариш орқали суғорилади. Катта суғориш иншоотларини кўрилиши 60-чи йилларда амалга оширилган. Бу даврда Шеробод суғориш системаси “Аму-Бухоро” магистрал канали ва Қарши магистрал каналлари ишга тушурилади.

Республикамизда электр энергетика мамлакат иқтисодиётининг базавий тармоқларидан бири эканлигини бежиз эмас, чунки асосий электр энергия истеъмолчилари саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланади. Жумладан Ўзбекистон бўйича электр энергиясининг истеъмоли саноатда 37,4%, Қишлоқ хўжалигида 29,8%, Транспорт соҳасида 2,55% Қурилишда 0,2% ва бошқа соҳаларда 12,5 ни ташкил қилади. Қолган 17,55% электр энергияси умумий фойдаланиш тармоқларида йўқолади. Шундай экан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнлари ва сув хўжалиги тизимларида электр энергиясидан самарали фойдаланиш бугунги кунда аграр соҳа энергетикасидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикаимизда суғориладиган ерларда дехқончилик махсулот етиштириш самарадорлигини оширишда сув билан асосий вазифаларидан биридир.

Насос станцияларни эксплуатацияси анализи шуни кўрсатадики, насос станцияларда сув кўтариш учун сарфланган йўқотилишлар -38%, подстанция ва узатиш линияларида -60%, босим ўтказгичларда-42%, насосларда -38%, электрдвигателларда -12%, ва қўшимча қурилмаларда -2%.

Электр энергияни асосий истеъмолчилари бу катта мелиоратив насос станциялари ва узун босимли трубаи насос станцияларидир.

Бундай насос станцияларни кўпроқ қўлланилиши сабаби, бу янги ерларни ўзлаштиришда, суғориш учун сув кўтариш лозимлиги, ҳамда уларни узоқ масофага кўчириш имкони борлиги.

Шунинг учун ҳозирги кунда сув ва энергетик ресурсларни танқизчиллигини ҳисобга олиб, насос станцияда электр ускуналарни ва машина залини ёритиш тизимида энергия тежаш тадбирларини ишлаб чиқирилиши зарурий чора тадбирлардан ҳисобланади.

Суғориш насос станциялари йирик энергетик хўжаликларидан биридир. Насос станциясида асосий ва ёрдамчи электр истеъмолчилари бор. Асосий электр истеъмолчилари – бу юқори кучланишли синхрон моторлари. Ёрдамчи электр истеъмолчилари – махсус кучланишни пасайтирувчи трансформаторлари орқали (ШИТ – шахсий истеъмолчиларни таъминловчи трансформатор) электр энергияси билан таъминланади. Синхрон моторлари 10 кВ ли кучланиш билан таъминланади ва улар ёрдамида асосий, йирик насос қурилмалари ишлатилади. Кўпчилик насос станцияларида ўрнатилган агрегатлар эскирган ва улар ҳозирги кунда лойиҳа бўйича қўйилган талабларга тўла жавоб бермайди. Шунинг учун агрегатлар ва қурилмалар вақтидан олдин ишдан чиқади ва қолганлари ортиқча юклама режимида ишлайди. Энергия тежамкорлик бўйича қўлланиладиган чора-тадбирлар ташкилий ва техникавийга ечимлар қабул қилинишини тақоза этади.

Ушбу малакавий битирув ишимиз Республикамизда сув муммаларини учун долзарб бўлган: Узун тумани „Остона -1” насос станцияси электр ускуналари ва унинг машиналар зали ёритиш тизимида энергия тежаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

1. “Остона -1” насос станцияси характеристикаси, асосий кўрсаткичлари, технологик жараёнлар ва машиналари

Ўзбекистон Республикасининг деярли 65 % аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан банддир. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти эса, суғориладиган ерлардан олинади. Бу урларнинг маълум бир қисми сунъий, яъни насос станциялар ёрдамида суғорилади. Насос станцияларнинг асосий вазифаси сувни маълум бир баландликка кўтариб, асосий магистрал каналга етказиб беришдир.

Насослар юқори кучланишли электр юритмалар билан жихозланган бўлиб, уларда катта қувватли синхрон моторлардан фойдаланилади. Синхрон машиналарнинг ишчи кучланиши 6-10 кВ бўлиб, ўрта қуввати 6,5-12 мВА ларни ташкил этади. Демак насос станцияларини электр энергия билан таъминлаш учун, юқори кучланиш, катта қувватли электр тизимлар қўлланилади. Одатда умумий энергоетик тизимдан, 220/110/10 тугун трансформатор подстанциясидан алоҳида 110 кВ ҳаво линия тортилади ва насос станциялар яқинида жойлашган 110/10/6 кВ подстанцияга уланади.

Трансформатор подстанциясидан 6/10 кВ ҳаво линиялар орқали электрэнергиясини синхрон моторларга узатилади. Одатда насос станцияларининг электр таъминот тизимлари йил давомида фақат суғориш мавсумида тўлиқ қувват билан ишлайди.

Сурхондарё вилояти Узун тумани «Аму – Сурхон ирригатсия тизими ҳавза бошқармаси»га қарашли Остона -1 насос станцияси 1975 йилда қуриб фойдаланишга топширилган бўлиб, Узун ва Сариосиё туманларини сув билан таъминлашга хизмат қилади. Умумий сув бериш унуми (ҳажми) 3550 м³/сек, кўтариш баландлиги-33 м , насос маркаси-24 НДН 32Д 19 350 Д 90, умумий қуввати-2750 кВт, суғориладиган эр майдони -2009 га, қувур узунлиги-100п/м. Насос станциясининг биносига сув ўтказиш учун гидротеханик, энергетик ва ёрдамчи ускуналар бор. Гидротеханик қурилмалар таркибига сув олувчи иншоотлардаги затворлар, йўналтирувчи

аппаратлар ва насос агрегатлари киради. Гидротеханик қурилмалар ёрдамида сув маълум миқдорда аванкамералардан олиниб керакли баландликка, талаб қилинган ҳажмда етқазиб берилади.

Энергетик ускуналар асосий насос агрегатларини электр юритмалари ҳисобланади. Синхрон моторлари «Аму-Занг» подстанцияси дан 10 кВ ли электр энергияси билан таъминланади. Насос станциясида ўрнатилган ёрдамчи қурилмалар станциянинг нормал режимда эксплуатация қилинишига ва асосий қурилмаларини ишга тушириш ва тўхтатишда тегишли шароитлар яратадилар.

Насос станциясининг қурилиш узели

Узел таркибига қуйидагилар киритилган :

- Сув йиғиш бўлимаси
- Сув сўриш қувурлари
- Насос станция биноси
- Босимли (сув ҳайдаш) қувурлар
- Сув йиғиш иншооти
- Қоровулхона
- трансформатор падстанцияси
- электр узатиш тармоғи

Сув йиғиш бўлинмаси (участкаси)

Сув йиғиш бўлинмасига сув, мавжуд “Чат Узак” каллекторидан келади. Сув йиғиш бўлимасида свайли таянчлар ўрнатилади. РОС-301 сатҳ электр сигнализаторини ўрнатиш учун каллектор ён қиялиги ПКУ-30-15 темир-бетон йиғма плиталар билан маҳкамланган.

Суғориш қувурлари

Суғорувчи қувурлар диаметри 500мм ва узунлиги 12.4м бўлган пўлат қувурлардан иборат бўлиб, коллекторни реконструкция қилинишини ҳисобга олиб, сувни энг кам сатҳда ҳам насос ишлаб туриши таъминланиб, турилади кўтарилган ҳолда ўрнатилган. Қувурни зарур ҳолатида ушлаб туриши учун

метал конструкцияли тутқичли темир-бетон свайли таянчлар ўрнатилган. Қувур узунлиги, насос агрегатларни ўзи мустақил ишга туша олишини ҳисобга олиб, қабул қилинган. Ҳар бир сув сўрувчи қувурга сув юзида сузиб юрган ахлат ва ифлосланишлардан ҳимоялаш учун тўр тўсик ўрнатилган.

Насос станция биноси

Насос агрегатлар жойлашган насос станция биноси ер ости ва ер усти қисимларидан иборат. Ўлчамлари 22.1*6.6*0.9м бўлган насос станциянинг ер ости қисми 60 см ли темир-бетон фундаментли кўринишда бажарилган. Бино ўлчамлари қурилмаларни жойлаштирилиши ва йўлакларни ҳафсизлик қоидалари бўйича этарлилигини ҳисобга олиб аниқланган. Бинонинг ён томонидан (“1” ўқ бўйича) автотранспорт кириб-чиқиши учун майдонга ва йўл қилинган.

Бинонинг бетон фундаменти В12.5W4 классли монолит пўлатли бетонда бажарилган. Бетондан деворларни мустаҳкамлаш учун арматура чиқариб қўйилган улар деворни мустаҳкамлигини таъминлайди. Насос станция биносининг эр усти қисми ғишли девор кўринишда бажарилган. Деворнинг устки қисми, сейхлик мустаҳкамлигини ошириш учун, темир бетон белбоғлар билан кучайтирилган. Ремонт ишларини пайтида юк кўтариш ташиш ишларни бажариш учун 2 тонна юк кўтарадиган кўтариш крани ўрнатилган. Кран йўлини маҳкамлаш учун том остидан деворга махсус метал конструкция ўрнатилган. У антисеслик бетон конструкцияга таяниб туради.

Хизматчиларни дам олиши учун насос станция ҳудудида алоҳида бино қурилган. Қурилиш юзаси 20.м² уй деворлари м-25 қоришмада м-75 тишикли 0.38м қалинликда бажарилган. Фундамент тасмали бетон, чуқурлиги 0.8 м. Уй поли ёғочдан, бетон фундаментларга таянган. Томи йиғма темир-бетон плиталардан бажарилган устидан керамзит тўшалган билан қора қоғоз қоплама ёпилган. Бино зилзилага чидамли қилиб ишланган.

Насос станцияси ТКТП-630/10/0.4. Трансформатор подстанциясидан энергия билан таъминланган.

Электр узатиш тармоғи

Лойиҳа бўйича узунлиги 1.655км 10кВ ҳаво тармоғидаги АС-50/8 симига уланган. Трансформаторга кириш 10кВ тармоқ таянчидан АС-50/8 маркали алюминий пўлат симларда бажарилган.

Технологик қисми

Насос станциясида 5 дона асосий насос агрегатлари ўрнатилган.

(1.1-жадвал)

№	Кўрсаткичлар номланиши	Қуввати	Айланиш частотаси
1	№ 1 агрегат 24-НДН насос электр двигател	75	500/750 об/мин,
2	№ 2 агрегат 24-НДН насос электр двигател	75	500/750 об/мин,
3	№ 3 агрегат 32 Д 19 насос электр двигател	150	800/750 об/мин
4	№ 4 агрегат 32 Д 19 насос электр двигател	150	630/750 об/мин
5	№ 5 агрегат 350 Д 90 насос электр двигател	50	320/1000 об/мин
	Жами	500	

Хар бир насос агрегати 25 метр куб/сек. ҳажмда, умумий 125метр. куб/сек. ҳажмдаги сувни 33 метр баландликка кўтариб беради ва 2009 га экин майдонларни сув билан таъминлайди.

Насос станциясида қуйидаги ёрдамчи ускуналар мавжуд:

8К-18 туридаги зах сув насослар, моторининг қуввати 20 кВт,- 4 дона;

4К-6 туридаги техник сув билан таъминловчи насос агрегатлар, мотори қуввати 40 кВт-4 дона;

Дискли қулфакларни очиб ёпиш учун электр юритмалар, қуввати 2кВт, 2-дона.

В06-300-8 туридаги ўқли шамоллатгичлар, қувати 3 кВт, 2-дона
НСС1 туридаги зах сув насос агрегатлари, қуввати 4 кВт, 3- дона
ТЕ8-320 туридаги тиристорли қўзғатгич қуввати 5 кВт, 8 дона
Кўприкли кран, қуввати 18,2 кВт
РН 200 туридаги панжарали тозалаш машинаси, қуввати 4 кВт
1 ССВ-1,5 туридаги дренаж насослари, қуввати 0,55 кВт,-2 дона
Лекаж насослар, қувати 1,1 кВт, 4 дона
Асосий насос агрегатлар МГГ – 10. маркали ўчигичлар орқали электр
манбаига уланади.

Ҳар бир насос агрегатидаги моторларига РВМ – 10 маркали
разрядниклар ўрнатилган. Булар моторларни ортиқча кучланишлардан ҳимоя
қилади.

Бундан ташқари насос станцияси электромоторларни дифференциал
защита, асинхрон режимига ўтишидан ҳимоя қилувчи, минимал
кучланишдан ҳимоя қилувчи, техник ва механик ҳимоя қилувчи ускуналар
билан жиҳозланган.

Техник эксплуатация

Насос станцияни эксплуатация хизмати сувни, авариясиз ва узлуксиз,
сув таминости графиги бўйича бериб турилишини тامينлаши зарур. Насос
станцияси ходимлари хавфсиз ишлаши, насос станция самарали ишлаб
туриши зарур.

Насос станцияни хавфсиз ва самарали ишлаб туриши учун электр
ускуналар ва иншоотларни кузатиш, техник хизмат кўрсатиш ва тамирлаш
системаси фаолият кўрсатиб туриши зарур. Барча тадбирлар регламентга
кўра, ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши лозим.

Шу билан бирга насос станция ходимлари техник эксплуатация
қоидалари ва йўриқномаларга қатий риоя қилишлари, эҳтиёт қисмлар билан
ўз вақтида тامينлаб турилиши, тамирлаш ва техник хизмат кўрсатиш
ишларини сифатли бажариш учун асбоб ускуналар билан тامينланиши,
агрегатларни ишини ҳисобга олиш, техник хизмат кўрсатиш ва ёнғинга

карши чораларга риоя қилишлари лозим насос станцияда ходимлар сони насос станцияни лойиҳалаш бўйича қурилиш ва лойиҳалаш меёрлари ва эксплуатация тажрибасига асосланиб қабул қилинади.

Насос станциясини доимий ток билан таъминлаш учун аккумулятор батареяларидан фойдаланилади. Бу доимий ток химояловчи воситаларни ишлатиш учун керак. Насос станциясидаги асосий ва ёрдамчи электр ускуналарни электр энергияси билан таъминлаш учун ААБГ, АШВ, КРПТ, АБВГ ва контрол кабеллари ишлатилади. Электр моторларга ўрнатилган 309 подшипниклари мойланади. Насос ва машиналар залига ўрнатилган РКУ-250 туридаги чўғланма лампалари ёритгичлар ДРЛ-80 туридаги газ разрядли лампали ёритгичларга алмаштирилади.

Насос станцияси мавсумий циклида ишлайди. Йилда ўрта ҳисобда 250-300 кун суғориладиган экиларни сув билан таъминлайди ва қолган даврда таъмирлаш ишлари бажарилади. «Остона -1»насос станцияси Аму – Сурхон ирригатсия тизими ҳавза бошқармаси системасига қарашли (АСИТХБ). АСИТХБ системасини бошқариш учун марказий диспетчер хизмати (МДХ) бор ва улар насос станцияларидаги навбатчи муҳандислар орқали жараёнларни бошқарадилар. Ҳар суткада бир марта МДХ диспетчери насос станциялардаги технологик жараёнлари тўғрисида тегишли маълумот йиғишади. Ушба маълумотлар ва сув беришга келган талабларга асосан каналдан сув этказиш режимларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Остона насос станцияси билан танишиш, техник ҳолатини тахлили 39 йил ишлаш мабойнида унинг электротехник ва ва гидротехник ускуналари маънавий ва жисмоний эскирганлигини, электр ёритиш тизими ва куч электр тармоқлари, ёритгичлар, химоя воситалари бугунги кунда белгиланган ёритилганлик ва кучланиш пасайиши нормаларини таъминлай олмаётганлигини кўрсатди. Мазкур БМИда ушбу масалаларни ёчимлари келтирилган.

2. Насос станциянинг машиналар зали ва ёрдамчи хоналарида электр ёритиш тизимини ҳисоблаш

2.1 Умумий маълумотлар

Ёруғлик манбасини танлаш Сув хўжалиги объектларини электри билан ёритиш тизимида ёруғлик манбалари сифатида чуғланма лампалар паст ва юқори босим люминицент газ-учкунли лампалар қўлланилади.

Паст босимли люминицент лампалар уларнинг юқори даражада ёруғлик даражада тарқатилиши узоқ ишлаши вақти ҳамда етарлича ранг узатишлари сабабли хоналарни ёритишда кенг ишлатилади.

Чуғланма лампалар оддий хизмат кўрсатилиши арзонлиги билан ажралиб туради ва ташқи муҳитга алоқасиздир. Бундай лампалар паст ва ўртача ёруғлик талаб қиладиган ёрдамчи объектларда қўлланилади.

ДРЛ типдаги симобли лампалар эса баланд ишлаб чиқариш хоналарни очик жойларни кўча ва майдонларни ёритишда ишлатилади конкрет ёруғлик манбалари турларини справочник адабиетлардан қабул қилинади.

Ёритиш турлари ва системалари электрик ёритишнинг қуйдаги турлари мавжуд: ишчи, аварияли ва қутқарувчи ишни ёрдамида иш жойида ёруғлик нормасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Аварияли ёритишнинг мақсади иш жойида ёруғлик нормасидан 5% ва 2 гк дан кам бўлмаган ёруғликни ташкил этишдан иборатдир.

Ёритиш системаларини икки тури мавжуд умумий ва бирлашмали.

Умумий ёритиш умумий текис ва умумий локализовик ёритишларга бўлинади ва бунда қурилмаларнинг жойланиши ҳисобга олинади.

Бирлашмали ёритиш хар иш жойдаги умумий ва маҳаллий ёритишларнинг бирикмасидан ташкил топган бўлади.

Ёритилганликни танлаш

Хар бир хона учун ёритилганлик нормаси бўйича қабул қилинади.

Ҳисоблашларда ёритилганлик нормаси қийматини захира коэффитциентига кўпайтириш тавсия этилади. Захира коэффиценти (κ_3)

лампанинг эскириши давомида ёруғлик қайтариш сиртларининг чанг билан копланишини ҳисобга олади.

Ёритгичлар

Ёритгичлар типларини танлашда ташқи муҳит шароити ёруғлик тарқатиш характериға бўлган талаб ва иқтисодий мақсадға мувофиқлиги ҳисобга олинади.

Електр ёритиш қурилмаларнинг ёруғлик- техникавий ҳисоблашнинг вазифаси белгиланган (меъёрланган) қуриш талабини бажаришда электр энергиясини қандай миқдорда сарфлашни белгилайди.

Ёруғлик-техникавий ҳисоблашнинг бошланишда ёритиш қурилмасининг куйидаги кўрсаткичлари аниқланиши керак:

- меъёрланган ёритилганлик E_m ;
- ёритиш системаси ва тури;
- ёруғлик манбаи;
- ёритгич турлари, ёритиш манбаининг қуввати;
- ёритиш қурилмаларини жойлаштириш.

Қурилмаларни ёритилганлигини ҳисоблаш учун ёритгичнинг ёруғлик оқими аниқланади, кейин жадваллардан маълум қувватдаги стандарт лампа танланади. Ҳисобланган ёруғлик оқими жадваларда танлаб олинган стандарт лампанинг оқимиға фақат тасадиф туфайли тўғри келади, лекин қоида бўйича ёруғлик оқими фарқ қиладиган лампа танланади, жадвалдан олинган лампанинг ёруғлик оқими ҳисобланганда, фарқи $-10\% \div +20\%$ оралиғида бўлиши рухсат этилади. Стандарт лампадан фойдаланишда, ёруғлик оқими ўртасидаги фарқ катта бўлса, ёритгичларнинг бир нуқтасини жойлашиши ва қуввати аниқ бўлганда бажарилади.

Ёруғлик техникавий ҳисобларда ёритилганликни аниқлаш учун, анъанавий усулар: нуқтавий усул, ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти усули ва солиштирма қувват усулларидан фойдаланамиз.

Асосий хона учун ҳисобларни ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти усулида ўтказамиз.

Ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти усули

Ушбу усул ёруғлик оқимининг девор ва лифтидан қайтарилишини этиборга олган ҳолда горизонтал текисликларнинг умумий тенг тақсимланган ёруғлигини ҳисоблашларда ишлатилади.

Ҳисоблаш тартиби қуйдагича

1. Усулнинг қўлланиши мумкинлиги текширилади.
2. Ёруғлик манбаси ва ёритгичлар турлари танланади, уларнинг жойлашуви ва сони аниқланади.
3. Ёруғликнинг норма даражаси топилади.
4. Шифт ва деворнинг ёруғлик қайтариши коэффициентлари аниқланади.
5. Хонанинг индекси i топилади

$$i = \frac{S}{h(A+B)}$$

Бу эрда C , A , B , h - мос равишда хонанинг юзаси, узунлиги, баландлиги олинган i нинг қиймати стандартига келтирилади.

6. Справочник жадваллардан ёруғлик оқимидан фойдаланганми коэффициенти n нинг қиймати топилади.

7. Қиймати захира ва минимал ёритилган коэффициентлари (K_3 ва E_m) аниқланади. K_3 нинг қиймати II жадвал бўйича қабул чуғламли лампалар SSSS учун $E_m = 1,1-1,2$ этиб қабул қилинади мумкин.

Ёруғлик оқимини ҳисоблаш формуласи

$$F_p = \frac{E \cdot S \cdot K_3 \cdot z}{N \cdot \eta_{cn}}$$

Справочник жадвалларда F_p га яқинроқ бўлган лампанинг типи танланади ва шунга қараб лампа ва ёритгичларнинг мос равишдаги қуввати топилади.

2.2 Машина зали учун электр ёритиш тизимини ҳисоблаш

Ёруғлик техник ҳисоби

Ҳисоблаш учун керакли бўлган кўрсаткичларни ва коэффициентларини қабул қиламиз.

$A=60\text{м}$ хонанинг узунлиги

$B=15\text{м}$ -хонанинг эни;

$S=900\text{ м}^2$ -насос станциясининг машиналар залининг юзаси;

$h=6\text{м}$ ҳисобий баландлик

E_m -30лк 2.1-жадвал (3) меъёрий ёритилганлик танлаб оламиз.

Хона сиртларининг 2.2-жадвал (3) ёруғлик оқимининг қайтиш коэффициенти қабул қиламиз.

$P_{ш}=70\%$, шифтдан

$P_d=50\%$, девордан

$P_n=30\%$, полдан

K_3 --захира коэффициент.

$K_3=1,15$ -минимал ёритилганлик коэффициентлари аниқланади.

Ёриткичлар орасидаги оптимал нисбий масофа " λ " ни л-4 2.1-жадвалдан чўғланма лампа лампа учун $\lambda=1.6$ ни оламиз.

Ҳисоб

1. Лампалар орасидаги масофа

$$L=\lambda \cdot H=1.6 \cdot 6=9.6\text{м}$$

2. Лампа қаторлари сони

$$n_a = \frac{A}{L} = \frac{60}{9.6} = 6.25$$

3. Қатордаги лампалар сони

$$n_b = \frac{B}{L} = \frac{15}{9.6} = 1.5$$

4. Умумий лампалар сони

$$N = n_a \cdot n_b = 6.25 \cdot 2 = 12.5 \approx 13$$

5. Хонанинг индексини топамиз:

$$i = \frac{S}{H} \cdot (A + B)$$

$$i = \frac{S}{H} (A + B) = \frac{900}{6(60 + 15)} = 2$$

индекснинг стандарти қиймати $i=0,48$ деб оламиз.

6. Ёруғлик оқимининг қийматини топамиз.

$$F_{his} = \frac{E_m \cdot S \cdot k_z \cdot z}{N \cdot \eta}$$

$$F_{his} = \frac{30 \cdot 1.3 \cdot 900 \cdot 1.15}{14 \cdot 0.48} = 6006 \text{ лм}$$

Г230-240-500 типли чўғланма лампани қабул қиламиз

$F_{\text{л}}=6000 \text{ лм}$ $P_{\text{н}}=500\text{Вт}$ [3]

7. Ёритиш қурилмаларининг умумий қуввати:

$$P_u = N \cdot P_n = 14 \cdot 500 = 7000 \text{ Вт} = 7 \text{ кВт}$$

Ёруғликни нормадан четга чиқиш миқдори (+20%÷ -10%). Натижада, НСП-02 типли ёритгичларни қабул қиламиз, лампаларнинг қуввати 500Вт.

Ёритгичларни жойлаштириш

Ёритгичларни хоналарга жойлаштиришда шахмат ёки тўғри тўрт бурчак усулида кенг қўлланилади. Бунда аввало ёритгичлар орасидан нисбий масофа (λ)нинг қиймати ҳисобга олиниши керак.

$$\lambda = \frac{L}{h}$$

Бу эрда: L - ёритгичлар ёки қаторлар орасидаги масофа.

h – асосий баландлик.

λ -нинг қиймати лампа турига ва унинг ёруғлик тарқатиш характериға караб олинади. Бунда ёритгичлар орасидан нисбий масофанинг светотехник $|\lambda_{\sigma}|$ ва λ_{σ} коэффициентлари ҳам ҳисобға олиниши керак.

Агар ёритгичлар жойлаштиришда лампанинг қувватини ўзгартирмай олинандиган бўлса, у ҳолда λ_c олинади.

Бошқа ҳамма ҳолларда λ_{σ} қабул қилинди. λ нинг қийматини билган ҳолда ёритгичлар орасидаги масофа $|L_A|$ ни эса қуйидаги нисбатликдан топилади:

$$\frac{L_A}{L_B} \leq 1.5$$

иш жойининг деворға нисбатдан яқин масофада жойлашганиға караб ёритгичдан деворғача бўлган масофада (b_A) ва H_B ни (0.25...0.3)Л кўринишида бошқа ҳолатларда (0.4...0.5)Л олиш мумкин.

Ёруғлик курилмаси светотехник ҳисобининг мақсади манбаларнинг нормал кўришни ташкил қиладиган зарурий қувватни аниқлашдан иборатдир.

Ҳисоб пайтида аввало ёруғлик манбасининг тури, системаси, нормаси, ҳамда ёритгичларнинг типи ва уларнинг жойлашуви танланади. Ҳисоб якунида эса ёритгичларнинг керакли ёруғлик оқими аниқланиб справочник жадваллар $X \dots 3/$ дан унга яқинроқ бўлган стандарт лампанинг қуввати топилади. Стандарт лампанинг ҳисоблангандаги ёруғлик оқимидан -10 ва 20% силжиш руҳсат этилади.

Нуқтавий усулда насос станциянинг электр ускуналарни таъмирлаш устахонаси учун электр ёритгичлар ҳисобини бажарамиз

Ўлчамлари $a = 4\text{м}$, $b = 9\text{м}$, $h = 3,5\text{м}$ ва қайтариш коэффициентлари $\rho_{\text{тин}} = 30\%$, $\rho_{\text{девор}} = 10\%$, $\rho_{\text{пол}} = 10\%$ бўлган хонадаги $E = 75$ люкс

ёритилганликни яратиш учун люминесцент лампали ПВЛМ-ДР ёриткичларидан фойдаланамиз.

Хисоблаш

Люминесцент лампали ёритиш қурилмаларининг запас коэффициентини $K_z = 1,5$ минимал ёритилилганлик коэффициентини $Z = 1,1$ деб оламиз.

ПВЛМ-ДР ёриткичларида ёруғлик тарқалиши косинусли. Шунинг учун ёриткичлар орасидаги оптимал нисбий масофани $\lambda = 1,4$ деб оламиз. Қўшимча ёритилганлик коэффициенти $\mu = 1,2$

Ёриткичларни илиш баландлигини $h_{ул} = 0,4\text{м}$, ишчи юзани $h_{ую} = 0,4\text{м}$ қабул қилиб хисобланган баландликни топамиз.

$$h_x = h - h_{ул} - h_{ую} = 3,5 - 0,4 - 0,4 = 2,7\text{ м}$$


Ёриткичлар қаторлари орасидаги масофа $L = h \cdot \lambda = 2,7 \cdot 1,4 = 3,78 \approx 4$

Ёриткичлар қаторлари сони $n_a = 4/4 = 1$

Қатордаги ёриткичлар сони $n_b = 9/4 = 2,25 \quad n = 2$

$$N = 1 \cdot 2 = 2$$

Хона планида ёритилганлиги кам бўлиши мумкин бўлган А ва Б назорат нуқталарини белгилаймиз.



2.1-расм. Нуқтавий ўсулда хисоблашга оид схема.

Назорат нуқталаридаги шартли ёритилганликни топиш учун ПВЛМ-ДР ёриткичининг ёруғлик тавсифидан фойдаланамиз.

Қулайлик учун ҳар иккала нуқталардаги шартли ёритилганлик қийматларини қуйидаги 2.1-жадвалга киритамиз.

Нуқтавий ўсулда ҳисоблаш учун параметрлар.

2.1-жадвал

Ёрит-лар сони	Масофа, д (метр)	Шартли ёритилганлик Е, люкс	Ёрит- лар сони	Масофа, д (метр)	Шартли ёритилг-лик Е, люкс
А – нуқтаси учун			Б – нуқтаси учун		
1	2,44	9,1	1	2,38	9,6
1	2,44	9,1	1	5,83	0,7
	$\sum E = 18,2$			$\sum E = 10,3$	

Ҳисоблаш учун Б нуқтасини оламиз, чунки унинг ёритилганлиги кам. Б нуқтаси учун $\sum E$ қийматини нуқтавий усулда манбанинг оқимини ҳисоблаш ифодасига қўйиб лампанинг керакли ёруғлик оқимини топамиз.

$$F = \frac{1000 \cdot E_{\min} \cdot k_3}{\mu \cdot \sum e} = \frac{1000 \cdot 100 \cdot 1,5}{1,2 \cdot 10,3} = \frac{150000}{12,36} = 12136 \text{ лм}$$

ПВЛМ-ДР 2x40 ёриткичида 2та 40 Вт.ли лампалардан фойдаланилади. Шунда битта лампанинг ёруғлик оқими

$$F_{\text{л}} = F / 2 / 2 = 12136 / 2 / 2 = 3034 \text{ лм}$$

Иловадан ЛБА-40 лампасини танлаймиз. Чунки унинг ёруғлик оқими ҳисобланган ёруғлик оқимига яқин. $F_{\text{л}} = 3040 \text{ лм}$

$$\Delta F = (3040 - 3034) \cdot 100 / 3034 = 0,2 \%$$

бу эса рухсат этилган (-10% дан + 20% гача) меър доирасида.

Солиштирма қувват усули

Ушбу усул ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти ҳисобининг соддалаштирилган формуласидир.

Ёритгич қурилмаларининг солиштирма қувватининг хонани ёритилиш юзасига нисбатини ташкил этади.

$$P_{сол} = \frac{P_x}{S} \cdot Bm / m^2$$

Солиштирма қувват усули светотехник ҳисобларни тўғриси ва ёруғлик нагрускасини олдиндан аниқлашда кенг қўлланилади.

Ҳисоблаш тартиби

1. Ёритгичлар сони ва типи танланади.
2. Берилган хонадаги ёруғлик нормасининг қиймати қабул қилинади.
3. Шифт ва деворларнинг қайтариш коэффициенти қийматлари танланади.
4. Хонанинг хометрик ўлчамлари аниқланади: узунлиги, эни, ҳисобли баландлиги ва юзаси.
5. Бир дона лампанинг қуввати ҳисобланади

$$P_l = \frac{P_{сол} \cdot S}{N}$$

S - хона юзаси m^2

N - ёритгичлар сони (кўп лампмили ёритгичлар узун ёритгичдаги лампмлар сонига кўпайтирилиб олинади)

2.3 Насос станциянинг машиналар зали ички электр ёритиш тармоқларини ҳисоблаш

Ёритиш қурилмаларининг электр тармоқларини ҳисоблаш ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- 1) электр энергияси билан таъминловчи манбани танлаш;
- 2) кучланиш тизимини аниқлаш;
- 3) ёритиш тармоғининг электр энергиясини узатиш схемасини тузиш;

- 4) ёруғлик тармоқларини гуруҳларга бўлиш;
- 5) гуруҳ шитларини танлаш ва уларни жойлаштириш;
- 6) электр ўтказгич турини танлаш ва унинг кесим юзасини ҳисоблаш;
- 7) электр тармоғини бошқариш ва ҳимоя қилиш.

2.4 Електр энергияси билан таъминловчи манбани танлаш

Қишлоқ ва сув хўжалиги истеъмолчилари, асосан, кучланиш 10/0,4 кВ бўлган уч фазали пасайтирувчи комплект трансформатор подстанциялари орқали электр энергияси билан таъминланадилар. Улар аҳоли жойлашган пунктларга, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига яқин жойга жойлаштирилади. Трансформатор подстанциясидан истеъмолчиларга узатиладиган электр энергияси куч шитларидан ёритиш шитларига ҳаво ёки кабел линиялари орқали узатилади.

Кучланиш тизимини аниқлаш

Електр қурилмаларининг тузилиши қоидаларига (ПУЭ) биноан, ёритиш қурилмаларида, кучланиш эрга нисбатан 250 В дан ошмаслиги керак. Шунинг учун асосан, 380/220В ли иккита ўзгарувчан ток тизими ишлатилади. Буларда нейтраллари эрга уланган бўлади.

Атроф муҳит шароити хавфли бўлмаган нормал хоналарда маҳаллий ёритгичлар учун 220В кучланиши қўлланилади, агарда хоналарда электр токидан шикастланиш хавфи бўлса тармоқ кучланиши 42В дан юқори бўлмаслиги керак.


2.5 Ёруғлик тармоғининг электр энергияси билан таъминланиш схемасини танлаш

Електр тармоғи таъминловчи ва гуруҳли линияларга бўлинади. *Таъминловчи линия* деб пасайтирувчи трансформаторлардан ёритиш шитигача бўлган линияга айтилади. *Ёритгич шитидан охириги ёритгичгача бўлган линия-гуруҳ линияси* деб аталади.

Таъминловчи линия уч хил бўлади:

1. Радиал линия


Радиал линиянинг афзаллиги гуруҳ линияларини эксплуатация қилинганда уларда ишлаш ишончи юқори бўлади. Масалан, L_1 линияда авария бўлса фақат L_1 линия тармоқдан узилади, лекин L_2 ва L_3 линиялар ишлашни давом эттираверадилар. Радиал линиянинг камчилиги ҳар бир линиялар алоҳида бўлгани учун уларда кўп металл (узатгич симлар) сарфланади.



2.2-рasm. Радиал линия

2. Магистрал линия

Магистрал линияларда истеъмолчилар кетма-кет уланганлиги учун анча узатгич симлар маълум миқдорда иқтисод қилинади, яъни металл сарфи камаяди. Лекин бундай линияларда эксплуатация қилиш ишончи камаяди, чунки L_1 линияда авария бўлса, L_2 ва L_3 линиялар электр энергиясиз қолади.



2.3-рasm. Магистрал линия

3. Радиал-магистрал линия

Радиал ва магистрал линиялардаги камчиликларни камайитириш мақсадида радиал-магистрал линиялар қўлланилади. Бу линияларда радиал

линияларга нисбатан камроқ металл ишлатилади ва магистрал линияларга нисбатан эксплуатация қилиш ишончи юқорирок бўлади.

Ёритиш электр тармоқларини гуруҳларга бўлиш 3 та асосий талаб шартлар асосида олиб борилади. Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларига (ПУЭ) асосан гуруҳ линияларининг узунлиги ҳар хил қучланишлар тизими учун маълум бир узунликда бўлиши, ҳамда гуруҳлардаги истеъмолчилар сони (ёруғлик манбаи, розетка) ва ишчи ток қиймати ёруғлик манбасининг турига қараб маълум бир талабга жавоб бериши керак:

1. Гуруҳ линияларининг узунлиги деб ёритиш шитидан то охири ёритгичгача бўлган масофага айтилади. 380\220В тизими учун $l=80\text{м}$, 220/127 тизими учун $l=60\text{м}$, икки симли линия 220В учун $l=35\text{м}$ ва икки симли линия 127 В учун $l=25\text{м}$ қилиб белгиланган.

2. Гуруҳ линияларида умумий иш токи 25А ошмаслиги керак. Гуруҳ линияларида қуввати 125 Вт ва ундан юқори бўлган газ разряд лампалар ёки қуввати 500Вт ли ундан юқори бўлган чўғланма лампалар бўлса умумий токни 63А гача кўтариш мумкин.

3. Битта гуруҳга 20 тагача истеъмолчилар улаш мумкин (чўғланма лампа, ДРЛ, ДРИ, ДнаТ ва розеткалар). Агарда гуруҳда фақат люминесет лампалар бўлса, истеъмолчилар сонини 50 тагача ошириш мумкин. Яшаш ва жамоат биноларининг йўлакларида, хоналарида, зинапояларида, эртўлаларида, чердакларида қуввати 60 Вт гача бўлган чўғланма лампалар сонини 60 тагача ошириш мумкин. Ёруғлик манбаининг қуввати 10 кВт ва ундан юқори бўлса, битта гуруҳга битта лампа уланади.

Ёритгич шитлари танлаш ва уларни жойлаштириш

Гуруҳ шитларини танлашда қуйидаги шарт ва шароитлар эътиборга олинади:

1) хоналарнинг атроф-муҳит шароити эътиборга олинади, яъни улар нормал, нам, ёнғинга хавфли, портлаш юзага келиши мумкин бўлган хоналар бўлиши мумкин.

2) гуруҳларнинг сони, уларнинг қувватига қараб булар учун сақлагич ва автоматлар сони ҳамда тури аниқланади. Гуруҳ шитлари истеъмолчиларининг марказига жойлаштирилгани маъқул бўлади, бу билан биз металл симларни тежаймиз. Гуруҳ шитлари фақат истеъмолчилар жойлашган қаватда бўлиши ва полдан 2 метргача баландликда ўрнатилиши талаб қилинади.

Ёритиш тизими электр тармоқларини ҳисоблашда уларни гуруҳларга бўлинади, хонанинг планида тақсимлаш пунктлари ва гуруҳ шитлари ўрнатилиш жойлари белгиланиб, истеъмолчини энергия билан таъминлаш ички электр тармоқ тармоғи планда чизиб олинади. Юкламаларни энергия таъминот тизими фазалари орасида бир хилда тақсимланишига эътибор қаратиш керак. Электр ускуналари ўрнатилиши коидалари (ЕУЎҚ) тавсиясига асосан ҳар бир фазага уланадиган лампалар ва розеткалари сони 20 дона. ДРЛ лампалар ва розетка 50 дона люминесцент лампалардан ошмаслиги керак. Гуруҳ шитларни электр юкламалар марказига жойлаштиришга ҳаракат қилинади.

Ёритиш тармоқларини ҳимоя қилиш. Ёритиш тармоқлари барча ҳолларда қисқа туташув токидан ҳимояланган бўлиши шарт. Шунингдек ўта юкланишдан ҳимояланмаган ёнувчан изолятсияли симлар билан очиқ ётқизилган тармоқлар (АПР, ПРД ва бошқа симлар) ва ёнғин ҳамда портлаш хавфи бўлган жамоат бинолари, савдо ва майиший хизмат бинолари электр тармоқлари ҳимояланиши керак.

Электр ёритиш тармоқлари симлари ва кабеллари кесим юзасини танлаш.

Симлар ёки кабеллар маркаси уларнинг ўрнатилиш усуллари белгилаб олинади. Ўрнатиш усулларни танлашда бинодаги муҳим шароити, бино девори материали ва ўрнатилиши баландлиги ҳисобга олинади. Муҳит шароитлари қараб қўлланилиши мумкин бўлган сим ва кабеллар ҳамда уларнинг кўрсаткичлари қийматлари адабиётларда келтирилган.

Энергия билан таъминлаш симнинг кўндаланг кесим юзаси узок вақт рухсат этилган ток бўйича ва рухсат этилган кучланиш йўқолиши бўйича топилади.

$$\text{Узок рухсат этилган ток усули: } I_{\text{уз.рух}} \geq \frac{I_{\text{ум}}}{K_m}$$

Бу ерда: $I_{\text{ум}}$ – гуруҳни ҳисобий токи, A , K_T – симнинг ётқизишлик шароитини ҳисобга олувчи тўғирлаш коэффициенти. Нормал шароит учун $K_T=1,0$, K_T ни қиймати бошқа шароитлар учун келтирилган.

Справочниклар жадвалларидан симнинг маркаси, ўрнатилиш усули ва ҳисоб токи бўйича узок рухсат этиладиган токнинг стандартга яқин қиймати ва унга мос келадиган симнинг кесим юзаси қабул қилинади.


Рухсат этиладиган кучланиш йўқолиш иусули:

Бу усулда ёритиш электр тармоқларида ўтказгич симининг кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta U = \frac{\Sigma M}{S \cdot S} = \frac{\Sigma P \cdot \ell}{S \cdot S} = \frac{1,2}{12,8 \cdot 2,5} = 0.04$$

бу ерда: $\Sigma P \ell$ - гуруҳ электр ўтказгич симдаги электр моментлари йиғиндиси, кВт.м, S - ўтказгичнинг материалига, кучланиш системасига ва симларнинг сонига боғлиқ бўлган коэффетсиенти. ΔU - гуруҳдаги кучланиши ҳисобий йўқолиши, ΔU ички электр ёритиш тармоқ учун $\leq 2,5$ фоиз U_n дан 2,5 фоиздан катта бўлмаслиги керак.

Шар-200 лампали ёритгични билан таъминловчи 220В кучланишли, ўзгарувчан токли бир фазали линиядаги кучланиш исрофини бўйича ҳисоблаймиз. Тармоқ бир жинсли бўлиб, умумий узунлик бўйича кесим 4мм бўлган ва изоляторлар орқали очик ҳолатда ўтказилган АВВГ маркали билан бажарамиз. Қувват коэффециенти $\cos \phi = 0,55$. Балласт қаршиликлардаги исроф линиядаги қувватнинг 20 фоизини ташкил этади.



2.4-расм. Насос стациянинг машиналар зали электр ёритиш тизими тармоғи ҳисобига оид схема.

Ўзгарувчан токли икки симли тармоқни ҳисоблашга оид чизма кучланиш исрофини қуйидагидан ҳисоблаймиз.

$$S = \frac{\Sigma M}{c \cdot \Delta u} = \frac{\Sigma P \cdot \ell}{c \cdot \Delta u}$$

$$\Delta U = \frac{\Sigma M}{S \cdot S} = \frac{\Sigma P \cdot \ell}{S \cdot S} = \frac{1,2}{12,8 \cdot 2,5} = 0.04$$

Ёритиш тармоқларини ҳимоя қилиш.

Ёритиш тармоқлари ҳамма ҳолатларда қисқа туташтиришдан ва ортиқча юкланишдан ҳимоя қилинган бўлиши керак. Ҳимоя воситалари сифатида автоматик узгичлар ва эрувчан сақлагичлар ишлатилади.

Натижада АВВГ (2х4) маркали кабел қабул қиламиз. [5]

Бошқа группалар учун ҳисобни худди ўша методика бўйича ўтказамиз.

Ёритиш тармоқларини ҳимоя қилиш.

Группавий тармоқдаги ҳисобий токни топамиз:

$$I_{\text{хис.гр.3}} = \frac{\Sigma P_{\text{ном}}}{U \varphi \cos \varphi} = \frac{1400}{220 \cdot 1} = 6,6 A$$

Автоматик ажратгичларни қуйидаги шартларга асосланиб қабул қиламиз:

$$U_{н.а} \geq U_{тар.моқ} = 220В$$

$$I_{н.а} \geq I_{хис.эр} = 6.6А$$

$$I_{н.узгич} \geq I_{хис.эр} = 6,6А$$

Натижада АЕ- 1031 типли автоматик ажратгичларни худди ўша усулда қабул қиламиз.

Группавий шит ҳисобида ОШВ- 6 маркали шитни танлаймиз.

Бу шитда киришда АЕ-1031 типли автомат ва группа тармоқларида 6 АЕ-1031 маркали автоматик ажратгичлар бор.

Ёритиш тармоғини план жадвали

2.2-жадвал

№	Маҳсулот белгиси ва тури	Маҳсулот номи	Сони
1	ОШВ-6АУХЛ4	Ёритиш шити автоматлар билан АЕ-1031 $I_p=6 \times 16А$	1
2	ЯТП-250	Пасайтирувчи яшик ОСО-0,25/220/12В	1
3	“Шар”	Ёритгич қурилмаси	10
4	500 Вт	Чўғланма лампа	10
5	У-86-РО	Штепсил розетки: 10 А, 220 В	4

2.6 Ёритиш тармоқларини ҳимоя воситаларини танлаш

Ёритиш тармоқлари ҳамма ҳолатларда қисқа туташтиришдан ва ортиқча юкланишдан ҳимоя қилинган бўлиши керак. Ҳимоя воситалари сифатида автоматик ўзгичлар ва эрувчан сақлагичлар ишлатилади. Ҳимоя воситаларига асосан щитларга шкафларга ва яшиқларга ўрнатилади. Уларни қабул қилиш эса хона шароитига ҳимоя даражасига, группалар шароитига ва ҳисобланган тоқлар миқдорига қараб олиб борилади

Насос станциясининг ташқи ёритиш ва трансформатор подстанцияси ёритиш СПО-200 светилниги группаси ёрдамида амалга оширилади.

Барча гуруҳларни йиғиб ёритиши гуруҳларни 3 гуруҳга ажратади насос станциясида ёритиш шити ёпиқ ҳолдаги ОП-3 типдаги бир фазали группа учун автоматик ажратгич ВА16-25-14 ни танлаймиз.

ОП-3 шитнинг номнал токи 25 А. Шитни бошқаришпулти хонасига полдан 1,5м баландликка ўрнатилади ОП-3 шити Я85ОТ яшигининг кириш қисмидан кучланиш олади.

ВА16-25-14 автоматик ажратгич ажратиш қисмининг токини аниқлаймиз ва ёритиш системасининг барча қисми учун кабел қисмини ҳисоблаймиз.

Ҳисоблашни гуруҳлар бўйича амалга оширилади.

ППД-2-50 светилникни $P_n=10000$ Вт нагрузка билан светилник гуруҳлари учун ВА16-25-14 автомат ажратгичнинг ажратиш токини аниқлаймиз.

Биринчи навбатда гуруҳнинг умумий токини ҳисоблаймиз

$$I_p = \frac{1.25 \cdot P_n}{U_F \cdot \cos \varphi} = \frac{1,25 \cdot 10000}{220 \cdot 1} = 56,6 \text{ А}$$

Бунда $\cos \varphi = 1$ чуғланма лампалар учун қувват коэффициенти.

ВА16-25-14 автоматик ажратгичнинг иссиқликдан ажратиш номинал токини автомат ажратгич қисмининг номинал токини ишчи токка нисбатига боғлиқ шартга асосан қабул қиламиз бу қийматни 1,0 га тенг деб қабул қиламиз.

$$\text{У ҳолда } \frac{I_{ajr}}{I_{is}} \geq 1,0 \text{ ёки } I_{ajr} \geq I_{is} \quad I_{ajr} \geq 45 \text{ А}$$

Ёритгичларни электр энергия билан таъминлаш учун АВВГ маркали кабел қабул қиламиз. Уни деворлар орқали ўтказамиз.

$\Delta U=5\%$ -группадаги ҳисобий кучланиш йўқолиши (ПУЕга асосан $\Delta U_{рух} \leq 2,5\%$)

Стандарга яқин кабел толасининг кўндаланг кесим юзасини қабул қиламиз:

$$C=6\text{мм}^2$$

Ҳақиқий кучланиш йўқолишини аниқлаймиз.

$$\Delta U = \frac{\Sigma P \cdot L}{C \cdot S_{\text{СТ}}} = \frac{1270}{46 \cdot 6} = 4.6\%$$

Натижада АВВГ(4х6) маркали кабел қабул қиламиз.

Бошқа группалар учун ҳисобни худди шу методика бўйича ўтказамиз.

Ёритиш тармоқларини химоя қилиш №3 группали тармоқдаги ҳисобий токни топамиз.

$$I_{\text{his.gu,3}} = \frac{\Sigma P_{\text{nom}}}{U_{\phi} \cdot \cos \alpha} = \frac{10000}{380 \cdot 0.98} = 21.4\text{А}$$

Автоматик ажрагичларни қуйидаги шартларга асосланиб қабул қиламиз:

$$U_{\text{но}} \geq U_{\text{тар}} = 380\text{В}$$

$$I_{\text{н.а}} \geq I_{\text{хис п р}} = 21.4\text{ А};$$

$$I_{\text{н.узгич}} \geq I_{\text{хис г р}} = 21.4\text{А}$$

Натижада, ВА16-25-14 типли автомат ажратгич қабул қиламиз.

$$I_{\text{н.а}} - 25\text{А};$$

$$I_{\text{н.узгич}} - 22\text{А};$$

Бошқа группалар учун ҳам автомат ажратгичларни худди ўша усулда қабул қиламиз. Группавий шчит ҳисобида 2,2-жадвал (3) ОП-3 маркали шчитни танлаймиз.

Иккита қириш шкафдан иборат ША-8220 ва ША-82222 насос станциясининг паст кучланишли тарқатиш шити уланган иккита тарқатиш пунктдан, яъни асосий насос агрегатларини ва қўшимча жихозларини бошқариш пунктларидан иборат.

Барча электр моторлар асинхрон, қисқа туташ роторли, тармоқ кучланиш 380В. Куч тармоқлари АВРГ кабели билан пўлат труба орқали бажарилади.

2.7 Куч тармоқларини ҳисоблаймиз ва ишга тушириш ва химоя воситаларини танлаймиз

Электр жихозлари справочнигидан мотор номинал токи J_{HM} қувват коэффициенти $\cos\varphi$, Ф.И.К. ва ишга тушириш токи карралигини K_n аниқлаймиз. Қабул қилинган катталикларни иккинчи жадвалга киритамиз.

Автомат ажратгичларни қабул қилишда қўйдаги шартларга этибор бериш лозим.

Автоматик ажратгичларни номинал кучланиши тармоқ кучланишга тенг бўлиши ёки юқори бўлиши керак. $U_{AB} \geq U_C$

Автомат ажратгичларнинг номинал токи электр моторлар токига тенг ёки юқори бўлиши лозим. $J_{HABT} \geq J_{HM}$

Иссиқлик ва электромагнит ажратгичларнинг номинал токлари электр мотор номинал тоқларига тенг ёки бироз юқори бўлиши керак. Бундан ташқари ажратиш тоқини электр мотор токига нисбатан ростлаш мумкин бўлсин $J_{H.AЖР} \geq J_{HM}$

Электромагнит ажратгичнинг ажратиш токи электр мотор ишга тушириш тоқининг 1,5÷1,6 қисмини ташкил этиши лозим $J_{AЖР} \geq (1,5 \div 1,6) J_{ИШ}$. Автомат танлаш шартларига асосан моторни юкланишданва қисқа тутишдан химояловчи автомат ажратгични ажратиш номинал тоқини ҳисоблаймиз РП-1-1 электр мотор (А114-8М)

$$J_{HABT} \geq J_{HM} \quad J_{HABT} \geq 452A$$

$$J_{HAЖР} \geq J_{HM} \quad J_{HAЖР} \geq 452A$$

$$J_{AЖР} \geq (1,5 \div 1,6) J_{ИШ.T} \quad J_{AЖР} \geq 1,5 ИШ.T = 1,5 * 2531,2 = 3796,8A$$

$$J_{AЖР} \geq 3797A$$

Бунга яқин бўлган ажратиш токига эга бўлган. $J_{AЖР} = 5000A$ ва номинал ажратиш токи $J_{H.AЖ} = 630A$ ли стандарт автомат қабул қиламиз.

3-61 3,1 – жадвалга асосан электр моторни химоя қилиш учун А 3736 ФУЗ автомат ажратгичини, номинал токи 630А комбинированный автомат қабул қиламиз.

Бошқа электр моторларни химоялаш учун ҳам шу тартибда автомат ажратгичлар аниқланади.

3. Насос станциянинг куч электр жихозлари ва уларни ички электр тармоғи ҳисоби

3.1 Куч электр ускуналари электр тармоғи ҳисоблаш

Куч электр ускуналари электр тармоғи ҳисоблаш лойиҳалашда “Електр ускуналарни жойлашиш қоидалари” “Қишлоқ хўжалик электр қурилмаларини технологик лойиҳалашни қоидалари” “Қишлоқ хўжалик электр қурилмаларини технологик лойиҳалаш нормалари” ва “Қурилиш нормалари ва қоидалари”дан кенг фойдаланамиз.

Електр ўтказгичлар тўғри, уларни бажариш усули ўрнатилиш шароитига ва атроф муҳит шароити билан аниқланади. Электр истеъмолчиларни энергия билан таъминлаш учун АВВГ маркали кабел қабул қиламиз ва кабелларни скоба ёки трубалар ёрдамида ўтказамиз. Ёнғин ёки портлаш ҳосил бўлиши ва техника хавфсизлиги шароитига кўра ҳамда инсонни ток билан шкастланиш хавфига кўра электр тармоқлар 2 гурӯҳда бўлади.

1. Қисқа туташув ва зўриқиш токидан химоя қилиши керак бўлган электр занжирлар.

2. Қисқ туташув токидан химоя қилиши керак бўлган электр тармоқлар. Зўриқиш режимидан химоя қилиш кўзда тутилади.

Бизнинг битирув ишида қисқа туташув токидан эритувчи сақлагичлар ярмида ва зўриқиш режимидан иссиқлик релелар ёрдамида химоя қилинади. Кабелларни кўндаланг кесим юзаларини чегараланган ток усули билан аниқлаймиз. Кабелларни изоляциясини харорати чегаралангандан ошмаслиги

шарт. Бу ҳолатга утмаслик учун барча шароитларни ҳисобга олишимиз керак:

1) Ҳақиқий шароитга келтириш учун тўғирловчи коэффициентларини қабул қиламиз.

$$I_{\div \hat{E} . \hat{E} \hat{a} \hat{a} \hat{a}} \geq \frac{1}{\hat{E}_{\hat{o} \hat{o} \hat{a}}} \cdot I_{\hat{o} \hat{e} \hat{n}}$$

2) Кабелларни чегараланган токи ҳимоя аппаратларни токига мувофиқ бўлиши керак

$$I_{\div \hat{E} . \hat{E} \hat{a} \hat{a} \hat{a}} \geq \frac{\hat{E}_i I_{i . \hat{a} \hat{e} \hat{d} (i . y \hat{d} . \hat{n})}}{\hat{E}_{\hat{o} \hat{o} \hat{a}}}$$

Бу эрда: $K_{\text{муз}}$ - кабелларни ёткизиш шароитини ҳисобга олувчи тўғирловчи коэффициент.

$$\hat{E}_{\hat{o} \hat{o} \hat{a}} = \hat{E}_1 \cdot \hat{E}_2 \cdot \hat{E}_3 \dots \hat{E}_{10}$$

K_1 - атроф муҳит иссиқлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_2 - ёнма – ён жойлашган кабеллар сонини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_3 - истеъмолчиларни иш режасини ҳисобга олувчи коэффициент ва бошқалар.

1. Бажарилаётган битирув ишида кабелларни жойлаштириш шароити – нормал ва насослар электр двигателларини иш режаларини – узоқ муддатли. Атроф муҳит иссиқлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент $K_1=0,92$ деб қабул қиламиз.[6]

Натижада $K_T=K_1=0,92$ деб қабул қиламиз.

Қолган барча ҳолатларда электр тармоқ 2 гурппага бўлинади.

Насос станциясида электр куч тармоқлари АВВГ маркали кабеллар билан бажарилади ва ёпиқ шаклда ёткизилади.

Н-1 линияси

Бу линия №1 ёнғин насосини двигателини ($P_n=14\text{кВт}$) электр энергия билан таъминлайди.

$I_{н.пр.} = 100A$; $I_{н.эп.с.} = 100A$ Жадвалда кўрсатилган кабелларни станларт токининг миқдори эрувчи сақлагичнинг номинал токига мувофиқлигини текширамыз:

$$I_{\dot{\phi}, \dot{i}} \geq \frac{\hat{E}_i I_{i, \dot{\phi}, \dot{i}}}{\hat{E}_{\phi}}$$

Бу эрда $K_m = 0,33$ мувофиқлик коэффициенти [4]

$$169A < \frac{0,33 \cdot 500}{0,92} \approx 179A$$

Демак, мувофиқлик шарти бажарилмаяпти. Шунинг учун кабелнинг кўндаланг кесим юзасини оширамыз ва $S = 50 \text{ мм}^2$ қабул қиламыз ($I_{\text{чек}} = 100A$).

Бошқа линиялар учун ҳам ҳисобни худди шу усулда ўтказамиз натижалари 3.1-жадвалда келтирилган.

Зўриқиш режимидан ҳимоя қилиш мақсадида, истеъмолчиларни шахсан уланиши учун ва атроф муҳит шароитини ҳисобга олган ҳолда куч электр қутисини қабул қиламыз. Бу қутини ичида автоматик ажратгич, иссиқлик релеси ва магнитли ишга туширгич мавжуд.

$$U_n \geq U_{н.тармок} = 380V$$

$$I_{н.м.иш} \geq I_{н.дв} = 211,2A$$

$$I_{н.ажр} \geq I_{н.дв} = 211,2A$$

$$I_{н.исс.р.} \geq I_{н.дв} = 211,2A$$

Натижада қуйидаги куч электр қутисини қабул қиламыз- ЯРВ36113. Бунинг ичида КФ-112 магнитли ишга туширгич бор.

$$(I_{i, \dot{\phi}} = 50A, I_{i, \dot{\phi}, \dot{i}} = 30A)$$

Куч электр тармоғи элементлари марка ва параметрлари 3.2-жадвалда келтирилган.

3.1-жадвал. Кабел рўйхати журнали.

Лойхани тартибли номери	Трасса		Ўтиш жойи		Труба		Кабел лар			Қўшилган			Ҳисобланган масофа(м)
							Лойиха бўйич						
							Бошланиш	Бошланиш	Ўтиш жойи	Ўзунлик (м)	Кутилардан	Кувурдан (м)	марка
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
Н-1	Подстанция Л-1	Жавон 1 дона					АВБбЦВ -1	3x95+1x50					
Н-2	Подстанция Л-1	Жавон 1 дона					АВБбЦВ -1	3x95+1x50					
Н-3	Подстанция Л-1	Жавон 1 дона					АВБбЦВ -1	3x95+1x50					

Н-5	Жавон 1 дона	Насос - 1					АВВГ-1	3x70	15			
Н-5-5	Жавон 1 дона	2ПKE-222					АВВГ -1	2x2.5	15			
Н-6	Жавон 2 дона	Насос - 2					АВВГ-1	3x70	20			
Н-6-6	Жавон 2 дона	1ПKE-222					АВВГ -1	2x2.5	20			
Н-7	Жавон 3 дона	Насос - 3					АВВГ -1	3x70	25			
Н-7-7	Жавон 3 дона	3ПKE-222					АВВГ -1	2x2.5	25			
